

**Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И**

Оқолтин тумани

2023 йил 13 июнь

Оқолтин туманлараро иқтисодий суди, судья Н.Сангировнинг раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Хусановнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи ЗЗЗнинг, жавобгар ТТТга нисбатан банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини, Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг маъмурий биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Аризачи ЗЗЗ (кейинги ўринларда аризачи деб аталади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар ТТТ (кейинги ўринларда жавобгар деб аталади) 2023 йил март ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини топширмаганлигини, огоҳлантириш хатларига жавоб бермаётганлигини, шу сабабли жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган аризачи ва жавобгар суд мажлисига келмади ва ўз вакилининг иштирокини таъминламади.

Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 220-моддаси талабларига мувофиқ ишдаги мавжуд ҳужжатлар низони мазмунан тўғри ҳал қилиш учун етарли деб ҳисоблаб, ишни аризачи вакили кўрсатмалари ва иш ҳужжатлари асосида, жавобгар (вакили) иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра ариза талабларини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 111-моддаси учинчи қисмига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ

тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг аризасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 273-моддаси биринчи қисмига кўра, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнанинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар томонидан давлат солиқ бошқармасига 2023 йил март ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган.

Шунингдек, аризачи томонидан жавобгарнинг шахсий кабинетига 2023 йил март ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун юборилган хабарномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ушбу ҳолатлар иқтисодий ишдаги жавобгарга юборилган хабарнома, огоҳлантириш хати, электрон шаклда юборилган ҳужжатлар, солиқ бошқармасининг жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини 10 кунга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори ва бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 217-моддасига кўра, суд банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга.

Бу ҳолатда суд, даъво талаблари ўз қонуний исботини топганлиги сабабли, 333-нинг аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига мувофиқ, почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 9-моддаси биринчи қисми, 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар

- ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод этилганлигини ва иш хужжатлари электрон шакллантирилиб юборилганлигини инобатга олиб, давлат божи ва почта харажатини ундирувсиз қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 176-179, 217, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Аризачи ЗЗЗнинг жавобгар ТТТнинг тижорат банкларидаги барча ҳисобварақларининг кириш қисми ва бюджет тўловлари ҳамда иш ҳақидан ташқари, харажат қисми бўйича операциялари ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар ТТТнинг тижорат банкларидаги барча ҳисобварақларининг кириш қисми ва бюджет тўловлари ҳамда иш ҳақидан ташқари, харажат қисми бўйича операциялари ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб турилсин.

Жавобгар ТТТ томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолати бартараф этилганидан сўнг, унга хизмат кўрсатувчи тижорат банки ва ЗЗЗ зиммасига жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақларини очиб бериш мажбурияти юклатилсин.

Давлат божи ва почта харажати ундирувсиз қолдирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

Судья

Н.Сангиров